

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**РАВШАНОВА НИЛУФАР АДИЛОВНА**

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ЛОВИЯ ВА МОШ  
ЕТИШТИРИШНИ АМАЛИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
посельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences**

**Равшанова Нилуфар Адиловна**

Зарафшон водийси шароитида ловия ва мош етиштириши амалий асослаш.....3

**Равшанова Нилуфар Адиловна**

Практическое обоснование возделывания фасоли и маша в условиях Зарафшанской долины .....21

**Ravshanova Nilufar Adilovna**

Practical rationale for the cultivation of Common beans and Mungbeans in the Zarafshan Valley.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**РАВШАНОВА НИЛУФАР АДИЛОВНА**

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ЛОВИЯ ВА МОШ  
ЕТИШТИРИШНИ АМАЛИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx354 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Халилов Насриддин**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:** **Атабаева Халима Назаровна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Саттаров Масъуджон Ахтамович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

**Етакчи ташкилот:** **Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.қх.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-34; e-mail: [piim@agro.uz](mailto:piim@agro.uz)).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-34; e-mail: [piim@agro.uz](mailto:piim@agro.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича бугунги кунда оддий ловия дуккакли дон экинлар ичида ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни эгаллайди ва 20 млн. гектарда экилиб 9 млн тонна дон етиштирилади. Энг катта ишлаб чиқарувчи давлатлар Аргентина, Хитой, Канада, АҚШ ҳисобланади. Мош экинни 58,5 фоизни Мьянма (Бирма) давлати экспорт қилиб биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Етиштирилган мошнинг 39,6 фоизни Ҳиндистон ва 13,5 фоизни Хитой истеъмол қилади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда дунёда миллионлаб кишилар тўлақонли равишда овқатланмаслик муаммосини бошидан кечирмоқда.<sup>1</sup> Шу билан биргаликда кундан кунга озиқ овқат нархларининг ошиб бориши кузатилмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишдаги тадқиқотлар ловия ва мош экинларидан юқори ҳосил олишни ҳамда алмашлаб экиш ҳисобига тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган.

Дунё деҳқончилигида ресурстежовчи технологияларни жорий этиш тупроқ унумдорлигини ошириб, биоиклим ресурсларидан тўла фойдаланган ҳолда бир йилда икки ёки уч марта ҳосил олиш, дунё аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, мош ва ловиянинг етиштиришни самарали агротехнологияларини яратиш орқали ўз ечимини топмоқда. Тупроқ унумдорлигини ва барқарорлигини, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда ловия ва мош экинларини мақбул экиш усуллари, тизимлари ва меъёрларини ўрганиш асосида етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда, мустақил тараққиётнинг қисқа муддати давомида туб ислохотлар амалга оширилди, бу қишлоқ хўжалигини деярли бутунлай диверсификация қилишга ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга имкон берди. Бу муаммоларни ҳал қилишда, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3. бандида “...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган”<sup>2</sup> муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-

<sup>1</sup>[www. faostat.org/](http://www.faostat.org) <http://www.ukragroconsult.com/> [https// www. tridge.com](https://www.tridge.com).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5303-сон Фармони ҳамда, 2018 йил 28 февралдаги 149-сонли Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз ва хорижда дуккакли дон экинларнинг, жумладан ловия ва мош биологияси, етиштириш технологияси, экиш муддатлари, меъёрлари, усули, суғориш тартиби, ўтмишдошлар, ўғитлашнинг дон ҳосили ва сифатига таъсири Х. Н. Атабаева, Н.Х.Халилов, Б.М.Холиқов, И.А.Исроилов, А.А.Иминов, С.Т.Негматова, Р.Ф.Мавлянова, Х.Г.Мансуров, Ш.М. Кенжабаев, Я. Бўриев, Ж.У. Абдуллаевлар, шунингдек хорижий олимлардан С.Л.Оборский, О.В.Овчарук, М.Д.Носирова, М.С.Jesus, N.A.Ghulamлар томонидан ўрганилган ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин, Самарқанд вилоятининг Зарафшон водийси типик бўз ва ўтлоқли тупроқлар ишароитида оддий ловия ва мошнинг экиш усуллари, схемалари ва меъёрлари етарли даражада ўрганилмаган ҳамда, тавсиялар берилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Асосий ва тақрорий экин сифатида етиштириганда ловия ва мош экиш муддатларининг тизими ва туп қалинлигини ҳосилдорликга таъсири” (2003–2005; 2010–2012 йй.) мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – оддий ловия (*Phaseolus vulgaris*) ва мош (*Phaseolus aureus*) навларидан таннархи паст, юқори ҳосилни шакллантирадиган мақбул экиш усуллари, схемалари ва меъёрларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оддий ловия ва мош навларини етиштиришда туп қалинлигига экиш усуллари, схемалари ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

оддий ловия ва мош навларини ўсиши, ривожланиши, вегетатив ва генератив органларининг шаклланишига экиш усуллари, схемалари ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

оддий ловия ва мош навларининг илдиз туганакларини шаклланишига экиш усуллари, схемаларива ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

оддий ловия ва мош навларини ҳосилдорлигига экиш усуллари, схемалари ва меъёрлари таъсирини аниқлаш;

оддий ловия ва мош навларини фотосинтетик фаолиятига етиштириш технологияси элементлари таъсирини ўрганиш;

оддий ловия ва мош навларини етиштиришнинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилоятининг типик бўз ва ўтлоқи тупроқлари, ловиянинг “Маҳсулдор”, “Равот”, мошнинг “Победа - 104”, “Радость” навлари.

**Тадқиқотнинг предмети:** ловиянинг “Маҳсулдор”, “Равот” ва мошнинг “Победа-104”, “Радость” навлари, ҳар хил экиш тизимлари, ўсимликнинг ўсиш, ривожланиши, барг сатҳи шаклланиши, фотосинтетик потенциал, шохланиш, туганаклар ҳосил қилиш, ҳосил шаклланиши, ҳосилдорлик, самарадорлик ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотларда олиб борилган фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ) услублари асосида олиб борилган. Олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” дастури асосида математик-статистик таҳлил қилинган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор Зарафшон водийсининг Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитида Давлат реестрига киритилган мош ва оддий ловия янги навларининг экиш услублари, схемалари ва меъёрлари, озикланиш майдонлари ўзгаришига таъсирчанлиги асосида юқори дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган нав агротехникаси такомиллаштирилган;

экиш услублари, усуллари ва меъёрлари навлар кесимида мақбуллаштирилиши натижасида энг юқори дон ҳосили олишни, самарадорлик кўраткичларини таъминлайдиган тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўрганилган навларнинг ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик фаолияти, ҳосил структураси, ҳосилдорлиги қиёсий баҳоланган;

янги ловия навларининг мақбул экиш услублари, усуллари ва меъёрлари фермер ва томорқа хўжаликларида жорий этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** Зарафшон водийси шароитида мош ва оддий ловиянинг янги навларининг биологик хусусиятлари ўрганилган ҳамда нав агротехникаси такомиллаштирилган. Самарқанд вилояти типик бўз ва ўтлоқ тупроқлари шароитида уруғларнинг дала унувчанлигини, ўсимликларнинг яшовчанлиги, вегетация даврида ривожланиш фазаларининг давомийлиги, ўсув даври ўрганилган ҳамда таннархи паст бўлган, юқори ҳосил олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

асосий экин сифатида мош ва ловия экинлари экилиб экиш усуллари, схемалари ва меъёрларининг таъсири натижасида мош навларининг ҳосилдорлиги 17,1 – 18,4 ц/га, ловия навларининг ҳосилдорлиги 22,6 – 27,1ц/га, қўшимча ҳосил экинлар кесимида мос равишда 1,9 – 2,5ц/га, 2,7 – 3ц/га ни ташкил қилган;

энг юқори самарадорлик кўрсаткичлари мошнинг “Радость” нави

60x12см экиш усули ва 139,0 минг дона/га меъёрида экилганда, умумий даромад 5520000 сўм/га ни, соф фойда 2623500 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 91фоизни ва ловиянинг “Махсулдор” нави 60x12 экиш усулида ва 139,0 минг дона/га экиш меъёрида экилганда, умумий даромад 8130000 сўм/га ни, соф фойда 5049600 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 164 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва дала тажрибалари синалган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотлар статистик математик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан қиёсланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти халқ хўжалиги ва ўсимликшунослик муаммоларини ҳал қилиш - Зарафшон водийси шароитида экиш услублари ва меъёрларини мақбуллаштириш орқали мош ва ловия навлари ҳосилдорлигини оширишни, ҳосил структураси, фотосинтетик фаолият, озикланиш майдони, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳи, қуруқ модда массаси бўйича илмий маълумотлар тўпланганлиги ҳамда ҳосилдорликнинг ортиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, мош ва ловия навларини етиштириш агротехникасини такомиллаштириш натижасида мақбул экиш усуллари ва меъёрлари аниқланганлиги, майдон бирлигига сарфланадиган уруғни тежашга эришилгани, олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, қўшимча ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси ортишига эришилганлиги, фермер хўжаликларида мош ва ловия етиштиришда иқтисодий самарадорлик оширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд вилояти Зарафшон водийси типик бўз ва ўтлоқли тупроқлари шароитида мош ва ловия экиш услублари ва меъёрлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари учун “Анғизга экиш учун яроқли ловия янги навлари ва уларнинг агротехникаси” ва “Анғизга экишга яроқли янги ловия навлари уруғчилиги ва агротехникаси” бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 02/021 – 12 – сонли маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар Самарқанд вилоятининг кўп тармоқли фермер хўжаликларида юқори дон ҳосили олишда қўлланма сифатида хизмат қилган;



мошнинг “Победа - 104” ва “Радость” навларини етиштириш технологиялар Самарқанд вилояти Оқдарё туманида жойлашган Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқув -тажриба майдонида, «Фариза Жасмина Кумушкент» фермер хўжалиги, «Оқдарё» илмий – ишлаб чиқариш фермер хўжалиги, Иштихон туманидаги «Д» Оқтепа – фермер хўжалиги, Жомбой тумани «Оқ олтин илғорлари» фермер хўжалигида жами 23 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 02/021 – 12 – сонли маълумотномаси). Натижада энг юқори ҳосилдорлик 17,1 ц/га мошнинг “Победа - 104” навида 60x15см экиш схемада, 110,7 минг дона/га, 18,4 ц/га “Радость” навида 60x12 см экиш схемада, 139 минг дона/га қўлланилганда кузатилган;

оддий ловия “Равот” ва “Маҳсулдор” навларини етиштириш технологиялари Оқдарё туманида жойлашган Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқув – тажриба майдонида, «Фариза Жасмина Кумушкент» фермер хўжалиги, «Оқдарё» илмий ишлаб чиқариш фермер хўжалиги, Иштихон тумани «Д» Оқтепа фермер хўжалиги ва Жомбой тумани «Оқ олтин илғорлари» фермер хўжалигида жами 44 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 02/021-12 сонли маълумотномаси). Натижада энг юқори ҳосилдорлик 22,6 ц/га оддий ловиянинг “Равот” навида 185,1 минг дона/га, экиш схема 60x9 см ва 27,1 ц/га “Маҳсулдор” навида 139 минг дона/га, экиш схема 60x12 см қўлланилганда кузатилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда Самарқанд ветеринария медецинаси институти пленар йиғилишида ҳамда Тошкент давлат аграр университети “Ўсимликшунослик” кафедрасининг йиғилишида эшитилиб, муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда, шунингдек, 2 та тавсиянома нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари

тараққийетининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқ хўжалигидаги аҳамияти, биология, морфология ва экиш услублари, схемалари ва меъёрларининг таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг ўтказган илмий тадқиқотлардан олинган натижалари, хулоса ва фикрлар таҳлили батафсил ёритилган. Оддий ловия ва мош етиштириш агротехнологиялари, турли экиш схемалари, меъёрлари ва усуллари ҳамда уларни оддий ловия ва мош ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ва адабиётларда келтирилган маълумотлар баён этилган. Лекин, Зарафшон водийси типик бўз ва ўтлоқ тупроқлар шароитида оддий ловия ва мош экиш услублари ва меъёрлари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмаганлиги сабабли, ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги ҳақида, шу билан бирга илмий манбалардан олинган маълумотлар асосида тадқиқотлар олдида мақсад ва вазифалар қўйилиб, хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услуби»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари ва навлар тавсифи батафсил баён қилинган. Тажриба ўтказилган ўтлоқли тупроқлар механик таркибига кўра асосан енгил қумоқ, сизот сувлари 2,5–3,0 метр чуқурликда жойлашган, гумус миқдори 0–30 см қатламда 1,20%, умумий азот миқдори 0,12%, фосфор 0,24%, калий 2,27 фоизни ва уларнинг ҳаракатчан шакллари миқдори N-NO<sub>3</sub> 4,7 мг/кг, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> 47,1 мг/кг, K<sub>2</sub>O миқдори эса 180,7 мг/кг. ни ташкил этиб, нитратли азот миқдори бўйича кам ҳаракатчан фосфор ва калий билан ўртача таъминланган. Зарафшон воҳасининг иқлим-шароити ўзига хос бўлиб, вилоятнинг текислик қисмидан тоғ минтақалари томон ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши, аммо атмосфера ёғин миқдорлари эса аксинча, кўпайиб бориши қайд этилган. Январ ойининг ўртача ҳаво ҳарорати – 3<sup>0</sup>С дан – 11<sup>0</sup>С гача, аммо тоғ олди ва текислик минтақаларида абсолют паст ҳарорат -30<sup>0</sup>С дан -33<sup>0</sup>С гача, баъзи жойларда –35<sup>0</sup>С гача етиши кўрсатиб ўтилган. Июл ойининг ўртача ҳарорати +27–28<sup>0</sup>С, абсолют юқори ҳарорат +44–46<sup>0</sup>С гача етиб, кўпчилик туманларда самарали ҳарорат йиғиндиси 4400–4700<sup>0</sup>С ни, атмосфера ёғинларининг миқдори 250–400 миллиметрни ташкил этиши баён қилинган. Ёғингарчиликнинг энг кўп қисми эса март ва апрел ойларида кузатилади.

Тупроқнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлашда тупроқ кесмаси қазиб, қатламлар бўйича намуна вегетация бошида ва охирида олинган. Тупроқ таркибидаги гумус таҳлили И.В.Тюрин усулида, ялпи азот ва фосфор И.М.Мальцева ва Л.Ц.Гриценко усулларида, калий миқдори П.В.Протасов

усулида аниқланган. Тупроқдаги озик моддаларни ҳаракатчан шакллари ( $N - NO_3$ ,  $P_2O_5$ ,  $K_2O$ ) миқдори ўрганилган. Бунда тупроқнинг 0–30, 30–50 см қатламларидан намуналар олиниб, нитратли азот (Гранвальд-Ляжу усулида), ҳаракатчан фосфор (Б.П.Мачигин усулида), алмашинувчан калий оловли фотоколориметрда (П.В.Протасов усулида) аниқланган.

Оддий ловия ва мош парваришидаги дала тажрибаларининг барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган ва тадқиқот объекти сифатида олинган оддий ловия ва мош навлари тавсифи келтирилган. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги Б.А.Доспехов бўйича дисперсион математик-статистик таҳлилларда аниқланган.

Диссертациянинг «**Мош навлари ҳосилини шаклланишига экиш услублари ва меъёрларини таъсири**» деб номланган учинчи бобида оддий ловия ва мош навларини турли усулларда ва меъёрларда экиб (2003–2005 йй.) озикланиш майдонининг оддий ловия ва мош навларинининг унувчанлиги ва туп сонига, поя баландлигига, барг сони, фотосинтетик фаолиятига, гуллашига, ривожланиш фазаларига, туганаклар сонига, шохланишига, ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар берилган. Мош навларининг қатор ораси 45 см ва 60 см усулларда экилганда озикланиш майдонининг ўзгариши уруғларнинг унувчанлиги ва туп сонига сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Уруғларни униб чиқиши энг юқори кўрсаткичлари туп қалинлиги юқори бўлган вариантларда кузатилган, экиш меъёрлари пасайиши билан униб чиққан уруғлар сони ҳам камайган. Ҳосилни йиғиб олиш давригача энг кўп сақланиб қолган ўсимликлар қатор ораси 60 см қилиб экилган вариантларда кузатилганлиги қайд этилган.

Тажрибаларда туп қалинлиги ўсимликларнинг барг сатҳининг шаклланишига ҳам таъсири ўрганилган. Туп қалинлиги юқори бўлган вариантларда мошнинг “Победа - 104” навида  $1 \text{ см}^2$  ҳосил бўлган барг сатҳи экиш меъёрлари ошиб борганлиги кузатилган, яъни  $0,45 \text{ см}^2$  дан  $1,57 \text{ см}^2$  гача. “Радость” навида  $0,48 \text{ см}^2$  дан  $2,06$  гача кузатилган. Лекин, бир гектарда ва  $1 \text{ м}^2$  да, барг сатҳининг кичрайиши кузатилган. Туп қалинлигининг камайиши ҳисобига, битта ўсимликнинг барг юзаси кенгайиб бориши аниқланган. Бир гектарда ўсимликларнинг туп қалинлиги юқори бўлган вариантларда кўп барг сатҳи ҳосил қилганлиги аниқланган. Қатор ораси 60 см қилиб экилганда, қатор ораси 45 см экилганда нисбатдан барг сатҳини ошиши кузатилган.

Мош навларининг экиш услуби ва меъёрлари ривожланиш даврларга таъсир этган. Экиш меъёри ошиши ва озика майдонининг қисқариши ўсимликларда вегетация даврининг қисқаришини кўрсатган ҳамда ўсимликларнинг ўсиш даври қисқариши ёки узайиши нав хусусиятига қараб ҳам ўзгариб бориши аниқланган.

Мош навларининг бўйи озикланиш майдони ортганда пасайиб борганлиги кузатилган. “Победа 104”  $45 \times 3 - 740$  минг дона/га  $71,5 \text{ см}$ ,  $45 \times 18 - 123$  минг дона/га  $60,8 \text{ см}$ , “Радость”  $45 \times 3 - 740$  минг дона/га  $72,6 \text{ см}$ ,  $45 \times 18 - 123$  минг дона/га  $64,5$  сантиметрни ташкил қилганлиги кузатилган. “Победа - 104” навида ўсимлик бўйи “Радость” навига нисбатдан  $1,0$  сантиметрдан

1,5 сантиметргача баланд бўлган.

Тажрибаларда олинган натижаларга кўра экиш усуллари ва меъёрлари мош навларининг ҳосил структураси ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган. Туп қалинлиги ортиши билан битта ўсимликда дуккаклар сони камайиши аниқланган. Мошнинг “Победа - 104” навида 45x3 см – 740 минг дона/га экилганда битта ўсимликда дуккаклар сони 6,5 донани ташкил қилган, экиш меъёри камайганда битта ўсимликда дуккаклар сонининг ортиши кузатилган. Энг юқори кўрсаткич 45x18 см – 123,4 минг дона/га экилганда, 13,9 донани ташкил қилганини аниқланган. Мошнинг “Радость” навида ҳам озиқа майдони ортиши, ўсимликдаги дуккакларни сонини ортишига олиб келиб, энг яхши кўрсаткичлар 45x15 см – 148 минг дона/га экилган далада кузатилган ва 13,9 донани ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўрганилган экиш усуллари, схемалари ва меъёрлари битта дуккакда донлар сони ва 1000 дона доннинг вазнига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Мошнинг “Победа - 104” нави 45 x 3 - 740 минг дона/га меъёрида экилганда битта дуккакда донлар сони 7,4 донани ташкил қилган, озиқа майдони ортиши билан битта ўсимликда дуккаклар сони ортиб борганлиги кузатилган. 45x12 см - 185 минг дона/га – 11,9 дона, 45x18 см – 123,4 минг дона/га 16,1 донани ташкил қилганини ва энг яхши курсаткич 45x18 см – 123,4 минг дона/га экилганда аниқланганлиги баён қилинган.

Мошнинг “Победа - 104” навида 1000 дона дон вазнининг энг юқори кўрсаткичи экиш меъёри 45x18 см экилганда 60,3 граммни ташкил қилганлиги кузатилган. Мошнинг “Радость” навида энг юқори кўрсаткичлар 45x12см–185,1 минг дона/га экилганда аниқланган бўлиб, битта дуккакда донлар сони 14,6 донани, 1000 та доннинг вазни 59,4 граммни ташкил қилган. Экиш меъёрларининг ортиши битта ўсимликдаги дуккаклар сони, 1000 доннинг вазни пасайишига олиб келган. (1 ва 2 - жадваллар). “Радость” нави барча ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича “Победа - 104” навидан устун эканлиги аниқланган.

Қатор оралари 60 см экилганда барча кўрсаткичлар бўйича қатор ораси 45 см қилиб экилгандан кўра юқори бўлганлигини кузатилган. Мошнинг “Победа - 104” навида энг яхши кўрсаткичлар 60x15 – 110,6 минг дона/га экилган вариантда аниқланди. Битта ўсимликда 16,8 та дона дуккак, битта дуккакда 14,5 дона уруғ ва 1000 дона доннинг вазни 61 грамм бўлганлиги аниқланган. Туп қалинлиги юқори ва озиқа майдони кам бўлганда битта ўсимликдаги дуккаклар ва дуккакдаги донлар сони ҳамда 1000 дона доннинг вазни кескин камайиши кузатилган. Мошнинг “Радость” нави ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича “Победа - 104” навидан юқори бўлганлигини аниқланиб, энг юқори кўрсаткичлар 60x12 – 139 минг дона/га экиш меъёрида бўлган. Битта ўсимликда 17,5 дона дуккак, битта дуккакда 14,8 дона донва 1000 дона доннинг вазни 61,0 граммни ташкил қилган. “Радость” нави 60 см қилиб экилганда барча кўрсаткичлар 45 см экилгандан юқори бўлганлиги кузатилган.

**1- жадвал**

**Мош навларида 1000 дона дон вазнини экишусули, схемалари ва меъёрларига боғлиқлиги (2003 – 2005 йй.)**

№	Навлар	Экиш меъёри ва усуллари					
		45x3	45x6	45x9	45x12	45x15	45x18
		740	370	247	185,2	148,1	123,4
1	“Победа – 104”	52,7	54,0	56,9	58,9	59,8	60,3
2	“Радость”	52,9	55,9	57,2	58,9	60,7	59,4

**2- жадвал**

**Мош навларида 1000 дона дон вазнини экишусули, схемалари ва меъёрларига боғлиқлиги (2003 – 2005 йй.)**

	Навлар	Экиш меъёри ва усуллари					
		60x3	60x6	60x9	60x12	60x15	60x18
		555,0	277,6	185,1	139,0	110,6	92,2
1	“Победа – 104”	55,6	56,9	57,9	59,9	61,2	61,0
2	“Радость”	55,1	57,4	59,0	61,0	57,6	57,1

Тажрибада экиш усуллари, схемалари ва меъёрларининг мош навлари ҳосилдорлигига таъсири ўрганилиб, қўйидаги натижалар олинган (3 ва 4-жадваллар). Мошнинг “Победа - 104” нави экиш меъёри 740 минг дона/га қўлланганда энг паст ҳосил олинган, ҳосилдорлик 11,7 ц/га ташкил қилган. Экиш меъёрлари пасайиши озика майдони ошишига ва ҳосилдорликни ошиб боришига ижобий таъсир кўрсатган.

**3-жадвал**

**Мош навларнинг ҳосилдорлигига экиш усуллари, схемалари ва меъёрларининг таъсири(ўртача 2003 – 2005 йй.)**

№	Кўрсаткичлар	Экиш меъёрлари ва усуллари						
		45x3	45x6	45x9	45x12	45x15	45x18	
		740	370	247	185,2	148,1	123,4	
“Победа – 104”								
1.	Ҳосилдорлик	11,7	11,9	12,3	13,2	13,5	14,2	
2.	Кўшимча	ц/га	-	0,2	0,6	1,5	1,8	2,5
		%	-	1,7	5,1	12,8	15,3	21,3
“Радость”								
1	Ҳосилдорлик	14,2	14,5	14,8	15,1	15,8	14,6	
2	Кўшимча	ц/га	-	0,3	0,6	0,9	1,6	0,4
		%	-	2	4,2	6,3	11,2	2,8
	Sx	0,339	0,372	0,231				
	Sd	0,677	0,186	0,462				
	НСР <sub>05</sub>	2,03	2,03	2,03				

Энг юқори кўрсаткич 45x18 – 123 минг дона/га экилганда кузатилиб 14,2 ц/га ҳосил олинган. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари “Радость” навида “Победа - 104” навидан юқори бўлганлиги кузатилган. Бу навда ҳам энг паст ҳосил 45x3 – 740 минг дона/га экиш меъёри қўлланган вариантда олинган. Озика майдонининг ошиши экиш усули 45x15 см қўлаганда ҳосилдорлик ошиб боришига, озикланиш майдонини янада ошириш (45x18 см) ҳосилдорликни

камайишига олиб келган. Юқори ҳосил 45x12 – 185,2 минг дона/га экиш меъёрлари қўлланганда олинди ва 15,1 ц/га ташкил қилди. Қатор ораси 60 см экилганда барча навларда ҳосилдорлик ошиши аниқланди. “Победа - 104” навида энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичлари 60x15 – 110,6 минг дона/га экиш меъёри қўлланганда аниқланиб, ҳосилдорлик 17,1 ц/га ташкил қилган, қатор ораси 45 см экилган вариантга нисбатдан 2,9 ц/га юқори ҳосил олинган. “Радость” навида энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичлари 60x12 – 139,0 минг дона/га экилганда кузатилиб, ҳосилдорлик 18,4 ц/га, қатор ораси 45 см экилганда 1,3 ц/га кўп ҳосил олинганлиги аниқланган.

#### 4 - жадвал

### Мош навларнинг ҳосилдорлигига экиш усуллари ва меъёрларининг таъсири (ўртача 2003 – 2005 йй.)


№	Кўрсаткичлар		Экиш меъёрлари ва усуллари					
			60x3	60x6	60x9	60x12	60x15	60x18
			555,0	277,6	185,1	139,0	110,6	92,2
Победа – 104								
1.	Ҳосилдорлик		15,2	15,5	15,8	16,4	17,1	15,4
2.	Кўшимча	ц/га	-	0,3	0,6	1,2	1,9	0,2
		%	-	1,9	3,9	7,8	12,3	1,3
Радость								
1	Ҳосилдорлик		15,9	16,4	16,9	18,4	17	15,2
	Кўшимча	ц/га	-	0,5	1,0	2,5	1,1	-0,6
		%	-	3,1	6,2	15,7	6,9	-3,7
	Sx		0,109	0,132	0,102			
	Sd		0,218	0,263	0,204			
	НСР <sub>05</sub>		2,03	2,03	2,03			

Диссертациянинг “Оддий ловия навлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига агротехник тадбирларни таъсири” деб номланган тўртинчи бобида оддий ловия навларини турли усулларда ва меъёрларда экиб (2010–2012 йй.) озиқланиш майдонининг оддий ловия навларининг унувчанлиги ва туп сонига, поя баландлигига, барг сони, фотосинтетик фаолиятига, гуллашига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, туганаклар сонига, шохланишига, ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Оддий ловия навларини қатор ораси 45 см ва 60 см экилган вариантда озиқланиш майдонининг ўзгариши уруғларнинг унувчанлигига ва туп сонига сезиларли даражада таъсир кўрсатганлиги аниқланган. Экиш меъёрининг ортиши униб чиққан ўсимликларнинг сони юқори бўлганлиги, ҳосилни йиғиштиргунча қадар ўсимликлар сони сезиларли камайиб боргани аниқланган.

Тажрибада оддий ловия навларининг барг сатҳи ва фотосинтетик тоза соф маҳсулдорлиги экиш услуби, схемалари ва меъёрларига қараб ўзгариб борган. (1 - расм). “Маҳсулдор” навида битта ўсимликда барг сатҳи экиш меъёрининг камайиб бориши билан 0,47 см<sup>2</sup>дан 1,87 см<sup>2</sup>гача ва “Равот” навида 0,43 см<sup>2</sup> дан 1,73 см<sup>2</sup> гача ошиб борганлиги кузатилган. Бир гектарда экиш меъёри камайганда барг сатҳининг кичрайиб бориши кузатилган. Туп

қалинлигининг ошиши билан бир гектарда энг юқори барг сатҳи шаклланганлиги аниқланган. Қатор ораси 60 см қилиб экилганда қатор ораси 45 см экилганга нисбатан барг сатҳининг катталашиб бориши аниқланган.

Оддий ловия навларининг ривожланиш фазаларнинг давомийлигига экиш услуби ва меъёрлари таъсир этганлиги аниқланган. Экиш меъёри ошиши ва озиқа майдони қисқариши ўсимликларнинг фазалараро даврлари ва вегетация давомийлиги қисқариши кузатилган. Ўсимликларнинг ўсув даври қисқариши ёки узайиши нав хусусиятига қараб ўзгариши ҳам аниқланган. Оддий ловиянинг “Маҳсулдор” нави унинг нав хусусиятига кўра ўрта эртапишар нав бўлиб, “Равот” навига нисбатан ўсув даври узунроқ бўлганлиги кузатилди.



**1 – Расм. Ловия навларнинг фотосинтетик тоза соф маҳсулдорлиги (2010 – 2012 йй)**

Озиқланиш майдони ортганда оддий ловия навларининг бўйи пасайиб борганлиги аниқланган. “Маҳсулдор” нави 45x3схемада – 740 минг дона/га экилганда поянинг баландлиги 66,2 см, экиш меъёри камайиши 45x18 – 123 минг дона/га экилган варианда поянинг баландлиги қисқариб бориши кузатилган ва 54,6 сантиметрни ташкил қилган. Оддий ловиянинг “Равот” нави 45x3 – 740 минг дона/га уруғ экилганда поянинг баландлиги 64,0 см, экиш меъёри пасайиши билан 45x18 –123 минг дона/гаэкилган вариантда поянинг баландлиги пасайиб борган ва 45,8 сантиметрни ташкил қилган. “Маҳсулдор” навининг ўсув даври “Равот” навига нисбатан узунроқ бўлганлиги, поянинг баландлиги 2,2 сантиметрдан 8,8 сантиметргача экиш меъёрларига қараб ўзгариб борганлиги кузатилган.

Таҷрибаларда олинган натижаларга кўра экиш услублари, схемалари ва меъёрлари оддий ловия навларнинг ҳосил структурасига ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсир этганлиги аниқланган. Туп қалинлигининг ортиши билан битта ўсимликдаги дуккаклар сони камайиб бориши кузатилган. Ловиянинг “Маҳсулдор” навида битта ўсимликдаги дуккаклар сони энг юқори кўрсаткичлари 45x15 см – 148,1 минг дона/га, “Равот” навида эса 45x12 см схемада – 185,2 минг дона/га уруғ экилганда кузатилган.

Экиш усуллари, схемалари ва меъёрлари битта дуккакда донлар сони ҳамда 1000 дона доннинг вазнига сезиларли таъсир кўрсатган (5-жадвал). Қатор ораси 60 см экилган вариантда барча кўрсаткичлар бўйича қатор ораси 45 см қилиб экилганга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди. Ловия навларининг энг юқори кўрсаткичлари қатор ораси 60 см экилган варианда кузатилди. Ловиянинг “Маҳсулдор” навида энг юқори кўрсаткичлар 60x12 – 139,0 минг дона/га экилганда аниқланган. Бунда битта ўсимликда 6,5 дона дуккак, битта дуккакда 6 дона дон ва 1000 дона доннинг вазни 504 г ни ташкил қилганлиги аниқланган.

Ўсув даври “Маҳсулдор” навида узунроқ бўлганлиги сабабли ҳосилдорлик кўрсаткичлари “Равот” навидан юқори бўлганлиги аниқланган. “Равот” навида энг юқори кўрсаткичлар 60x9 - 185 минг дона/га экилган вариантда битта ўсимликда 5,6 дона дуккак, битта дуккакда 4,9 дона дон ва 1000 дона доннинг вазни 496,8 граммни ташкил қилганлиги аниқланган.

5- жадвал

**Оддий ловия навларида 1000 дона дон вазнининг экиш усуллари, схемалари ва меъёрига боғлиқлиги (2010 – 2012 йй.)**

№	Навлар	Экиш усуллари, схемалари ва меъёри					
		45x3	45x6	45x9	45x12	45x15	45x18
		740	370	247	185,2	148,1	123,4
1	“Равот”	419,0	443,8	462,9	491,8	485,9	484,6
2	“Маҳсулдор”	420,0	449,8	469,6	498,3	503,6	490,5
	Навлар	Экиш усуллари, схемалари ва меъёри					
		60x3	60x6	60x9	60x12	60x15	60x18
		555,0	277,6	185,1	139,0	110,6	92,2
1	“Равот”	470,3	489,3	500,0	494,9	486,0	485,0
2	“Маҳсулдор”	477,2	481,9	489,7	504,3	503,9	498,2

Тажрибада экиш услублари, схемалари ва меъёрларининг оддий ловия навлари ҳосилдорлигига таъсири ўрганилиб, қуйидаги натижалар олинган (6-жадвал). Оддий ловиянинг “Маҳсулдор” навида ўсимликнинг туп қалинлиги камайиши билан ҳосилдорлик кўрсаткичлари ошиб бориши аниқланган. Экиш меъёри 740 минг дона/га қўллаганда ҳосилдорлик 21,2 ц/га бўлди, энг юқори ҳосилдорлик 22,2 ц/га 45x15 см 148 минг дона/га экилган вариантда аниқланган. Оддий ловиянинг “Равот” нави ҳосилдорлиги барча вариантларда “Маҳсулдор” навига нисбатан паст бўлганлиги кузатилган. Озиқа майдонига боғлиқ бўлган қонуният бу навда ҳам кузатилган. “Равот” навида энг паст ҳосилдорлик кўрсаткичи 45x3– 740 минг дона/га экилган вариантда аниқланган. Экиш меъёри пасайиши, лекин озиқа майдонининг ортиши ўсимликларнинг маҳсулдорлигини ошишига олиб келган. Энг юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари 45x12 – 185 минг дона/га экилган вариантда олинган. Қатор ораси 60 см қилиб экилганда барча навларда ҳосилдорлик ошиб борган. Энг юқори ҳосил оддий ловиянинг “Маҳсулдор” нави қатор ораси 60 см қилиб экилган вариантда олинди. Экиш меъёрлари 139 минг



дона/га бўлганда ҳосилдорлик 27,1 ц/гача ошганлиги, қатор ораси 45 см экилганга нисбатан 4,8 ц/га юқори ҳосил олинган.

6- жадвал

